

# ҲОМИЛАДОРЛИКДАГИ ИНСУЛЬТ: АСОСИЙ ҲАВФ ОМИЛЛАРИ

Ш.Б. Хасанова, Д.Б. Асраникулова, О.Б. Наджмитдинов

Андижон давлат тиббиёт институти

## Аннотация.

Мақсад. Ҳомиладор аёлларда бош мияда қон айланишининг ўткир бузилишини ривожланишининг ҳавф омилларини аниқлаш. Инсульт ривожланишининг ҳавф омиллари таҳлилдан ўтказилди, жумладан: гинекологик ва аллергик анамнез, ҳомиладорликдан аввал тамаки чекиш ва контрацепция воситаларини қабул қилиш, сурунқали касалликларни мавжудлиги, гемостаз тизими ва липидли спектр кўрсатқичлари, тромбофилия генларининг полиморфизми.

Натижалар. Ишемик инсультнинг геморрагик инсультга кўра устуворлиги аниқланиб, ушбу кўрсатқичлар, тегишлича, 77,4% ва 22,6% ташкил қилди. 93,5% ҳолатларда инсульт ҳомиладорлик пайтида ҳосил бўлган, улардан 79,3% ҳолатларда — гестациянинг III-чи триместрида. Инсультдан азоб чеккан ҳомиладор аёлларда статистик жиҳатдан ишончли ҳавф омиллари қўйидагича: тамаки чекиш, контрацепция воситаларини қабул қилиш, сурунқали касалликларнинг мавжудлиги, шу жумладан оғирлашган акушерлик-гинекологик анамнез.

*Калим сўзлар: ишемик инсульт, геморрагик инсульт, ҳомиладорлик, ҳавф омиллари, физиологик ўзгаришлар, гемостаз тизими.*

## STROKE IN PREGNANT WOMEN: THE MAIN RISK FACTORS

Sh.B. Khasanova, D.B. Asrankulova, O.B. Nadjmitdinov

Andijan State Medical Institute

## Abstract

The goal is to identify risk factors for the development of acute cerebrovascular accident (ONMK) in pregnant women. The risk of the development of stroke was carried out: gynecological and allergic history, smoking and taking contraceptive drugs before pregnancy, the presence of chronic diseases, indicators of the hemostasis system and lipid spectrum, and polymorphism of thrombophilia genes. Results. The predominance of ischemic stroke over hemorrhagic was revealed, which amounted to 77.4% and 22.6%, respectively. In 93.5% of cases, a stroke occurred during pregnancy, of which in 79.3% of cases - in the 3rd trimester of gestation. In pregnant women who have suffered a stroke, statistically reliable risk factors are: smoking, reception of contraceptives, the presence of chronic diseases, including a burdened obstetric and gynecological anamnesis.

*Key words: ischemic stroke, hemorrhagic stroke, pregnancy, risk factors, physiological changes, system of hemostasis.*

# ИНСУЛЬТ У БЕРЕМЕННЫХ: ОСНОВНЫЕ ФАКТОРЫ РИСКА

Ш.Б. Хасанова, Д.Б. Асраникулова, О.Б. Наджмитдинов

Андижанский государственный медицинский институт

## Аннотация

Цель – выявить факторы риска развития острого нарушения мозгового кровообращения (ОНМК) у беременных женщин. Проведен анализ факторов риска развития инсульта: гинекологический и аллергический анамнез, курение и прием контрацептивных средств до беременности, наличие хронических заболеваний, показатели системы гемостаза и липидного спектра, полиморфизм генов тромбофилии. Результаты. Выявлено преобладание ишемического инсульта над геморрагическим, что составило 77,4% и 22,6% соответственно. В 93,5% случаях инсульт возник во время беременности, из них в 79,3% случаях – в III триместре гестации. У беременных женщин, перенесших инсульт, статистически достоверными факторами риска являются: курение, прием контрацептивных средств, наличие хронических заболеваний, в том числе отягощенный акушерско-гинекологический анамнез.

**Ключевые слова:** ишемический инсульт, геморрагический инсульт, беременность, факторы риска, физиологические изменения, система гемостаза.

Кўплаб мамлакатларда демографик муаммоларни ечишда аёллар соғлиғини сақлаш соҳасидаги чора-тадбирлар тизими етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Россия Федерациясида ўтказилган статистик таҳлил кўрсатишича, инсульт частотаси дунёда энг юқори бўлиб, 1 йилда 1000-нафар аҳоли сонига ушбу кўрсатқич 3–3,4 ташкил қиласи [1]. Ҳомиладорлик пайтида бош мияда қон айланишининг ўткир бузилишининг частотаси ҳақидаги маълумотлар бир ҳил эмас. Турли манбалардаги кўрсатқичлар 100 минг туғишлар ҳисоби учун 1,5 дан 210-гача ўзгариб турадилар [2–5]. Масалан, Америка Қўшма Штатларида- 100 минг туғишлар учун ушбу кўрсатқич— 34,2 ташкил қиласи, Буюк Британияда— 100 минг туғишлар учун 1,5 дан Тайвань оролидаги 21,5-гача ўзгариб туради. A.N. James ва ҳаммуаллифларнинг маълумотларига кўра, [3], ҳомиладорлик пайтида инсультнинг ҳавфини 3-13 баробарга ошиши қайд этилади. Сўнгги йилларда айrim сурунқали ҳолатларни

(туғма юрак нүқсонлари, аутоиммун бузилишлар) бошқарувини яхшиланганлиги юрак-томир асоратларнинг ҳавфи мавжуд бўлган ҳомиладор аёлларнинг сонини ошишига олиб келди [6]. Шундай қилиб, ҳомиладорлик билан боғлиқ шифохонада даволанишнинг частотаси ошишини кутиш учун барча асослар мавжуд. Аёл организмида ҳомиладорлик пайтида рўй бераётган ўзгаришлар генетик жиҳатдан дастурланган бўлиб, улар физиологик-мослашув характерга эга. Ўз навбатида, ҳомиладорлик пайтида гиперкоагуляцияга сабабчи бўладиган эстроген ва прогестерон даражаларини ошиши туфайли, мазкур ўзгаришлар ҳомиладорликнинг оҳирига келиб инсультни ривожланишига ёрдам берадилар. Туғруқдан кейинги даврда прогестерон даражасини кескин пасайиши вазоконстрикцияга олиб келиб ишемияни ривожланишига мойил қиласи. Гипертензияли бузилишлар, семизлик ва юрак ҳасталиклари қўшимча равишда инсульт ҳавфини оширадилар. Юрак ҳасталиклари, диабет, туғруқдан кейинги қон кетишлар каби инсульт ривожланишининг ҳавф омиллари билан ҳомиладор аёлларнинг тобора ўсаётган улуши АҚШ-да ўтказилган бир неча тадқиқотлар орқали намойиш қилинган. Даромадлари юқори бўлган мамлакатларда, шу жумладан, АҚШ-да, ҳомиладор аёллар соғлигининг ҳолатига салбий таъсир қилувчи омиллар сифатида, семизликка чалинган шахслар сонини ошиши, кўп сонли туғишлар ва аёлнинг ёши қайд этилган. A.N. James ва ҳаммуаллифларнинг тадқиқотларида кўрсатилганидек, артериал гипертензия билан асоратланган ҳомиладорлик билан аёлларда инсульт ривожланишининг ҳавфи, артериал босими меъёр доирасида бўлган аёллардан кўра, 6-9 баробарга юқори экан. Ҳомиладорлик пайтида инсульт ривожланишининг алоҳида ўзига ҳос омиллари сифатида, ҳомиладорлик ва туғишнинг айрим асоратлари бўлиши мумкин, жумладан, акушерлик қон кетишлар, ҳомила атрофидаги сувлар орқали эмболия, гестознинг оғир шаклари, ва бошқалар [13].

Ишемик шикастни гестоз шароитида ривожланишининг патогенези ҳанузгача оҳиригача ўрганилмаган бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда, ёш шахсларда 50 фоиз ҳолатларда ултратовуш диагностика орқали аниқланадиган ва юрак ритмини бузилиши шароитида инсульт ҳавфини жиддий ўсишига олиб келадиган “очиқ овалсимон ойна” (ООО) фаол муҳокама қилиниб келмоқда [14]. Тадқиқотлар маълумотларига кўра, кесарча кесиш инсульт ҳавфининг 3-12 баробарга ошиши билан ассоциацияланади. Муаллифлар [15] гормонал терапия, ҳусусан гормонал контрацепциядан, ёрдамчи репродуктив технологияларни қўлланилиши ва инсульт ҳавфи ўртасида ўзаро алоқани кўрадилар. Ҳам акушерлик касалликлар, ҳам тромбоэмболик ҳолатлардаги тромбофилик ҳолатлари ролини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тромбофилия, ишемик инсульт ривожланишининг омилларидан бири бўлиб, ишемик инсультни бўлган ёш bemорларнинг 5–10%-да учрайди [14]. Аммо, айни пайтда ирсий тромбофилиялар ва ишемик инсульт ўртасидаги ўзаро алоқани йўқлиги ҳақидаги маълумотлар пайдо бўляпти [16]. Аксарият ҳолларда (90% гача) инсульт ҳомиладорликнинг III-чи триместри ва туғруқдан кейинги даврда учрайди [17]. D. Soriano ва ҳаммуаллифларнинг маълумотларига кўра, инсульт ҳавфи туғруқдан кейин ҳам анча узоқ давр мобайнида юқори даражада сақланиб келади. Ушбу даврларда инсультни ривожланиш юқори ҳавфининг энг эҳтимолли сабаби, бу, гемостаз тизимидағи ўзгаришлар, айниқса, ўз навбатида туғруқдаги қон йўқотишларни олдини олишга қаратилган гиперкоагуляция ҳисобланганлиги учун, бу нарса гемостаз тизимини узоқ вақт давомида кузатиш ва назорат қилиш заруратини тақозо этади. Шундай қилиб, ҳомиладорлик ва туғруқ пайтида рўй берадиган физиологик ўзгаришлар инсульт ривожланишига мойил қиласадилар. Ушбу туфайли эътиборни ҳавфининг барча омилларида қаратиш лозим. Омилларнинг бириккан таъсирида инсультни ривожланиш ҳавфининг

эҳтимоли кўтарилади. Тадқиқотнинг мақсади – ҳомиладор аёлларда бош мияда қон айланишининг ўткир бузилишининг (БМҚАЎБ) ҳавф омилларини аниқлашдан иборат.

Ҳомиладорлик пайтида ва туғруқдан кейин БМҚАЎБ ҳолатларининг таҳлилида эътиборни ишемик инсультни геморрагик инсультдан устунлик қилаётганлигига қаратилиб, ушбу кўрсатқичлар, тегишилича, 24 (77,4%) ва 7-нафар (22,6%) аёллар сонини ташкил қилди. Турли муаллифларнинг маълумотларига кўра, ҳомиладорлик пайтида ИИ ва ГИ частоталари ўзгариб турадилар. Мисол учун С. С. Beal ва ҳаммуаллифларнинг маълумотларига қараганида [19], ҳомиладор аёлларда ИИ 87% ҳолатларда учраган, Lu Van ва ҳаммуаллифлар тадқиқотларида эса – 50,7% ҳолатларда. Таҳлил қўрсатишича, 93,5% ҳолатларда инсульт ҳомиладорлик пайтида, 6,4% ҳолатларда эса туғишдан кейин рўй берган. 23-нафар (79,3%) ҳомиладор аёлларда инсульт III-чи триместрда ташҳисланиб, бу кўрсатқич адабиёт маълумотларига мос келиб, бу ерда 90% гача ҳолатларда инсульт ҳомиладорликнинг III-чи триместрида ва туғруқдан кейинги даврда ривожланган. Такроран туққан аёллар сонининг устунлиги алоҳида эътиборга сазовор бўлиб, 21-нафарни (67,7%) ташкил қилди, илк бор туққанларнинг сони эса – 10 (32,3%), такроран туққан аёлларда БМҚАЎБни пайдо бўлишининг муайян ҳавфини кўрсатади. Бу нарса С. В. Акиньшина ва ҳаммуаллифларининг маълумотларига тўғри келиб, улар такроран туққан аёлларда инсульт ривожланишининг ҳавфини ўсишини таъқидлайдилар. ИИ ўчоғи жойлашувининг таҳлилида аниқланишича, 19-нафар (79,2%) аёлларда заарланиш ўчоғи бош мия ўрта артерия бассейнида, 5-нафарида эса (20,8%) вертебробазилар бассейнда жойлашган. Неврологик мақомда ишемик турдаги БМҚАЎБ-да умуммия ва ўчоқли аломатлар қайд этилган. Ўчоқни бош миянинг катта яrimшарларида ривожланишида мушак тонусини кўтарилиши билан

контралатерал парезлар қайд әтилган, доминант яримшарлар шикастланганида ушбу аломатларга нутқ бузилишлари қўшилган. Ишемия ўчоғи вертебробазиляр бассейнда жойлашганида, ўчоқли шикастлар мушак тонусининг пасайиши билан кечган. Нейровизуаллаштиришда ИИ пайтида пешона-чакка соҳаларида, бош мия шишидаги ўткир даврда текисланган эгатлар ва бурмалари билан пасайган зичлик ўчоқлари аниқланиб, аксарият кузатувларда бош миянинг ўрталиқ тузилмаларини силжишлари қайд әтилмаган. ГИ сабабларининг таҳлилидан аниқланишича, 4-нафар (57,1%) аёлларда мальформацияларнинг ҳар ҳил турлари, 2-нафарида (28,6%) – аневризмалар, ва 1 ҳолатда (14,3%) преэклампсия сабабчи бўлган. Геморрагик турдаги БМҚАЎБ ривожланишида, ишемик турдаги БМҚАЎБ-дан кўра, умуммия аломатлар ёрқинроқ ифодаланган, ўчоқли, яримшарли ва менингеал аломатлар кузатилган. Нейровизуаллаштиришда ГИ-да, катта яримшарларда қон қўйилишнинг ўткиrosti даврида перифокал шиш ҳудуди билан юқори зичлик ўчоқлари аниқланиб, бош миянинг ўрталиқ тузилмаларини аҳамиятсиз силжишлари қайд әтилган. Субарахноидал қон қўйилиши туридаги инсультни ривожланишида субарахноидал тешикларда қонни мавжудлиги визуаллашган. Артерия-вена мальформацияларда томир ичидаги контрастлашдан кейин контраст моддаси билан тўлдирилган артерия ва веналар аниқланган. Статистик ишлов бериш натижасида тадқиқот ва қиёслаш гуруҳларининг оғирлашган акушер-гинекологик анамнез белгиси (муддатдан олдин туғиши, аввалги ҳомиладорликда ўз-ўзидан чала туғиши, турли гинекологик касалликлар) бўйича фарқлар ( $p<0,05$ ) аниқланиб, бу нарса инсультни ривожланиш ҳавфида мазкур омилнинг муҳимлиги ҳақидаги ҳулосага келиш имконини беради.

Кекса ёшдаги инсонларда инсультнинг асосий сабаби атеросклероз ҳисобланади, бироқ, D. Wiebers маълумотларига кўра, тақдирий

инсультга чалинган ҳомиладор аёлларнинг 15–25%-да томирларнинг атеросклеротик шикастланишлари аниқланган [15]. Ҳам Россия, ҳам ҳорижий адабиётларда, оҳирги йилларда ИИ ривожланишининг ҳавф омили сифатида тромбофилиялар ролини ўрганишга катта қизиқиш ўйғонган [6, 11]. Бз тадқиқ қилаётган гуруҳда беморларнинг маълум қисми тромбозларга бўлган генетик мойиллиги тадқиқ қилинди. Таъқидлаш жоизки, мутациянинг турли шакллари ИИ билан гуруҳда 16-нафар (66,7%) аёлларда, ГИ билан эса – 2-нафар (28,5%) аёлларда аниқланди. Масалан, ИИ билан гуруҳда генларнинг қўйидаги мутациялари аниқланган: 7 нафар аёлларда (43,8%) плазминоген активаторининг ингибитори (PAI-1), улардан гомозиготали шаклда 2-нафарида (28,6%), 6-нафарида (37,5%) гетерозиготали шаклдаги гликопротеин ITG, 5-нафарида (31,3%) гетерозиготали шаклдаги Лейден мутацияси, 2-нафар (12,5%) аёлларда- гетерозиготали шаклда фибриноган генининг мутацияси. G20210A протромбин мутациясининг ҳолатлари аниқланмади. Фолат цикли генларини таҳлилида, 9-нафар (56,3%) аёлларда MTHFR C677 Т ген мутацияси аниқланиб, улардан гомозиготали шаклда 3-нафарида (33,3%), 9-нафарда (56,3%) MTRR генининг мутацияси, улардан 2-нафарида (22,2%) гомозиготали шаклда. Субботовская ва ҳаммуаллифларнинг маълумотларига кўра, [16], гурухларни солиштиришда, анамнезида тромбози бўлган беморлар гуруҳида PAI-1 4G/4G гомозиготали вариантнинг улуши 51% ташкил қилиб, ушбу кўрсатқич соғлом инсонлар гуруҳидагидан (4,2%) анча юқори. Nowak Gottl ва ҳаммуаллифларнинг тадқиқотида [17] ишемик инсульт билан 16 ёшгача бўлган болалар тадқиқ қилинганида Лейден мутациясининг частотаси 20% ташкил қилди. Lonneke M. L. ва ҳаммуаллифлар маълумотларига кўра, C677 Т MTHFR мутацияси ИИ ривожланишининг юқори ҳавфи билан боғланган, чунки у гипергомоцистеинемияга олиб келади [18].

Мазкур ишда ҳомиладор аёлларда инсультни ривожланишининг ҳавф омилларини аниқлашга харакат қилинди. Инсультдан азоб чеккан ҳомиладор аёлларда статистик жиҳатдан ишончли ҳавф омиллари қуидагича: тамаки чекиш, контрацепция воситаларини қабул қилиш, сурунқали касалликларнинг мавжудлиги, шу жумладан оғирлашган акушерлик-гинекологик анамнез. Аммо бошқа омиллар роли ҳам истисно қилиш мумкин эмас, шунинг учун уларнинг ролини ўрганиш, ҳам лаборатор, ҳам бошқа усууллар орқали давом эттирилади. Ҳавф омилиниң биринкан таъсирида инсультни ривожланиш эҳтимолини ошиши шубҳасиз.

### **Фойдаланилган адабиёт:**

1. Brand A, Visser ME, Schoonees A, Naude CE. Replacing salt with low-sodium salt substitutes (LSSS) for cardiovascular health in adults, children and pregnant women. *Cochrane Database Syst Rev.* 2022 Aug 10;8(8):CD015207. doi: 10.1002/14651858.CD015207. PMID: 35944931; PMCID: PMC9363242.
2. Boon GJAM, Van Dam LF, Klok FA, Huisman MV. Management and treatment of deep vein thrombosis in special populations. *Expert Rev Hematol.* 2018 Sep;11(9):685-695. doi: 10.1080/17474086.2018.1502082. Epub 2018 Jul 25. PMID: 30016119.
3. Cauldwell M, Rudd A, Nelson-Piercy C. Management of stroke and pregnancy. *Eur Stroke J.* 2018 Sep;3(3):227-236. doi: 10.1177/2396987318769547. Epub 2018 Apr 12. PMID: 31008353; PMCID: PMC6453206.
4. Elgendi IY, Bukhari S, Barakat AF, Pepine CJ, Lindley KJ, Miller EC; American College of Cardiology Cardiovascular Disease in Women Committee. Maternal Stroke: A Call for Action. *Circulation.* 2021 Feb 16;143(7):727-738. doi: 10.1161/CIRCULATIONAHA.120.051460. Epub 2021 Feb 15. PMID: 33587666; PMCID: PMC8049095.
5. El-Hattab AW, Almannai M, Scaglia F. MELAS. 2001 Feb 27 [updated 2018 Nov 29]. In: Adam MP, Feldman J, Mirzaa GM, Pagon RA, Wallace SE, Bean LJH, Gripp KW, Amemiya A, editors. GeneReviews® [Internet]. Seattle (WA): University of Washington, Seattle; 1993–2024. PMID: 20301411.
6. Hooper L, Martin N, Jimoh OF, Kirk C, Foster E, Abdelhamid AS. Reduction in saturated fat intake for cardiovascular disease. *Cochrane Database Syst Rev.* 2020 May 19;5(5):CD011737. doi:

- 10.1002/14651858.CD011737.pub2. Update in: Cochrane Database Syst Rev. 2020 Aug 21;8:CD011737. doi: 10.1002/14651858.CD011737.pub3. PMID: 32428300; PMCID: PMC7388853.
7. Katsafanas C, Bushnell C. Pregnancy and stroke risk in women. *Neurobiol Dis.* 2022 Jul;169:105735. doi: 10.1016/j.nbd.2022.105735. Epub 2022 Apr 25. PMID: 35477033.
  8. Kozberg MG, Camargo EC. Management of Maternal Stroke and Mitigating Risk. *Curr Treat Options Cardiovasc Med.* 2019 Nov 21;21(11):72. doi: 10.1007/s11936-019-0770-z. PMID: 31754878.
  9. Liew BS, Ghani AA, You X. Stroke in pregnancy. *Med J Malaysia.* 2019 Jun;74(3):246-249. PMID: 31256185.
  10. Manikinda J, Kaul S. Stroke Around Pregnancy; Protection and Prevention! *Ann Indian Acad Neurol.* 2023 Sep-Oct;26(5):631-637. doi: 10.4103/aian.aian\_492\_23. Epub 2023 Oct 9. PMID: 38022451; PMCID: PMC10666856.
  11. Miller EC. Maternal Stroke Associated With Pregnancy. *Continuum (Minneapolis Minn).* 2022 Feb 1;28(1):93-121. doi: 10.1212/CON.0000000000001078. PMID: 35133313; PMCID: PMC10101187.
  12. Miller EC, Leffert L. Stroke in Pregnancy: A Focused Update. *Anesth Analg.* 2020 Apr;130(4):1085-1096. doi: 10.1213/ANE.0000000000004203. PMID: 31124843; PMCID: PMC7035913.
  13. Newman CB, Preiss D, Tobert JA, Jacobson TA, Page RL 2nd, Goldstein LB, Chin C, Tannock LR, Miller M, Raghubeer G, Duell PB, Brinton EA, Pollak A, Braun LT, Welty FK; American Heart Association Clinical Lipidology, Lipoprotein, Metabolism and Thrombosis Committee, a Joint Committee of the Council on Atherosclerosis, Thrombosis and Vascular Biology and Council on Lifestyle and Cardiometabolic Health; Council on Cardiovascular Disease in the Young; Council on Clinical Cardiology; and Stroke Council. Statin Safety and Associated Adverse Events: A Scientific Statement From the American Heart Association. *Arterioscler Thromb Vasc Biol.* 2019 Feb;39(2):e38-e81. doi: 10.1161/ATV.0000000000000073. Erratum in: *Arterioscler Thromb Vasc Biol.* 2019 May;39(5):e158. doi: 10.1161/ATV.0000000000000081. PMID: 30580575.
  14. Opaskar A, Massaquoi R, Sila C. Stroke in pregnancy. *Handb Clin Neurol.* 2021;177:283-293. doi: 10.1016/B978-0-12-819814-8.00032-9. PMID: 33632448.
  15. Saldana S, Breslin J 2nd, Hanify J, Heierman T, Larizadeh K, Sanchez M, Phipps W. Comparison of Clevidipine and Nicardipine for Acute Blood Pressure Reduction in Hemorrhagic Stroke. *Neurocrit Care.* 2022 Jun;36(3):983-992. doi: 10.1007/s12028-021-01407-w. Epub 2021 Dec 13. PMID: 34904214.

16. Sanders BD, Davis MG, Holley SL, Phillipi JC. Pregnancy-Associated Stroke. *J Midwifery Womens Health.* 2018 Jan;63(1):23-32. doi: 10.1111/jmwh.12720. Epub 2018 Jan 25. PMID: 29369478; PMCID: PMC7608605.
17. Steinberg AE, Srinivasan V. Emergency department management of stroke in pregnant and postpartum patients. *Emerg Med Pract.* 2023 Dec 15;25(Suppl 12):1-37. PMID: 38085603.
18. Uy CE, Gosselin-Lefebvre S, Book AM, Field TS. Reperfusion Therapy for Acute Stroke in Pregnant and Post-Partum Women: A Canadian Survey. *Can J Neurol Sci.* 2021 May;48(3):344-348. doi: 10.1017/cjn.2020.207. Epub 2020 Sep 22. PMID: 32959754.
19. Zambrano MD, Miller EC. Maternal Stroke: an Update. *Curr Atheroscler Rep.* 2019 Jun 22;21(9):33. doi: 10.1007/s11883-019-0798-2. PMID: 31230137; PMCID: PMC6815220.